Адаштирувчи имомлар

10:30 / 02.04.2019 3697

عَنْ ثَوْبَانَ مَوْلَى رَسُولِ اللهِ ﷺ، وَرَضِيَ اللهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «إِنَّمَا أَخَافُ عَلَى أُمَّتِي الْأَئِمَّةَ الْمُضِلِّينَ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ.

17. Расулулллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мавлолари Савбон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Мен умматим учун адаштирувчи имомлар* зараридан қўрқаман»**, дедилар».

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилганлар.

* Одамларни турли бидъат, фисқ ва фужурга чақирувчилар.